

Луиза нега мени ўзига якин олганига сира аклим етмайди. У мени ёмон кўрарди. Имкон бўлди дегунча ортимдан хунук гапларни гапиришини сезиб юрардим. Ёктираслигини очик айтмаса-да, пичинглари-ю, хўрсишишларидан, чиройли кўлларини силкитишларидан хам буни тушуниб олиш кийин эмасди. Бир-биirimизни йигирма беш йилдан бери якиндан билардик. Лекин бу нарсанинг Луиза учун хеч кандай ахамияти йўқ эди. У мени кўпол, сурбет ва шафкатсиз одам, деб хисобларди. Шунака ёмон кўраркан, нега мени холи-жонимга кўймайди, бошим котарди. Дам-бадам нонушта ёки тушликка чакирап, дам олиш кунлари шахар ташкарисидаги уйига хам йилига бир неча марта таклиф киларди. Эҳтимол, ёлгиз менгина унинг никоб остидаги хакикий башарасини кўришга кодирлигимни Луиза билгандир. Мен хам эртами, кечми, юзимга шунака никоб кийишимга умид килгандир.

Луизани кизлик пайтиданок билардим. Ўша пайтлари у катта-катта кўзлари маъюс бокувчи нимжонгина киз эди. Ота-онаси Луизани хаддан зиёд яхши кўришар, еру кўкка ишонишмасди. Бунга Луизанинг дардчиллиги хам сабаб эди. Билишимча, Луиза болалигига кизилча касалига чалиниб, юраги заифлашиб колган, энди у ўзини хар томонлама асраб-авайлаб яшашга мажбур эди.

Том Метленд унинг кўлинини сўраганида, кизнинг ота-онаси кўркиб кетишиди. Улар Луизанинг бу ахволда эрга тегишига умуман ярамаслигини билишарди. Лекин улар бойлар тоифасидан эмасдилар. Том Метленд эса бадавлат одам эди. У, Луиза хохласа, осмондаги ойни хам олиб беришга ваъда берди ва охир-окибат улар кизларини Том Метленднинг кўлига ишониб топширишиди. Том корувли, кучли ва келишган йигит бўлиши билан бирга, яхшигина спортчи хам эди. У Луизани жонидан ортик яхши кўрарди. Юраги хаста севгилисидан якин-орада жудо бўлишини биларди, Луиза колган санокли йилларини баҳти ўтказиши учун кўлидан келган хамма нарсанни килишга хамиша тайёр эди.

У илгаридан койилмаком килиб бажариб юрган спорт машк-ларидан хам воз кечди. Йўқ, Луиза шундай бўлишини хохлагани учун эмас, бирор ёкка кетмокчи бўлиб турган пайтида хар гал Луизанинг юраги санчиб колгани учун машклардан воз кечди. Жанжаллашиб колишган вактларида Луиза энг яхши хотин киёфасига кириб, дарров Томга ён босарди. Кейин Луизанинг юраги безовта килар ва у бир хафта мусичаи беозор бўлиб, тўшакка михланиб ётарди. Шундай пайтларда Том хотинига каттик гапиришига юраги бетламасди. Бир сафар Луиза ўзи жудаям хохлаб сайрга чикиб яёв саккиз мил йўл юрганини кўриб, Том Метленд-га Луизанинг соглиги унча-мунча аёлларниидан яхши эканлигини айтдим. Том бошини чайкаб, хўрсинди:

“Йўқ, Луиза аслида жудаям заиф. У дунёдаги энг яхши юрак мутахассислари кўригидан ўтди. Хаммаси Луизанинг санокли кунлари колганини айтди. Метин иродаси борлиги учун хам хозир ўзини шундай тутаяпти”.

Том гапларимни Луизага айт-ди.

“Бунинг азобини эртага кўраман”, деди Луиза менга караб “ух” тортаркан: “Яна ўлим билан юзма-юз бўламан”.

“Баъзида менга сизда хеч канака касаллик йўқдай туюлади”, дедим секингина.

Гаштли ўтган меҳмондорчилларда Луиза эрталабки бешларгача ракс тушиб чарчамаганини, бефайз ўтиришларда эса мазаси кочиб, Том уни уйига вактли олиб кетганини бир неча марта кўргандим. Менга караб синиккина кулиб кўйган бўлса-да,

бояги гапим Луизага ёкмаганини сездим. Катта-катта кўк кўзларидан кайфи кочганлиги билиниб турарди.

“Мен сизни хурсанд килиш учун ўлаётганим йўқ”, деди у.

Луиза эридан хам кўпроқ яшади. Бир куни улар елканли ка-йикда сайр килиб кайтишганидан кейин Том каттик шамоллаб колиб жон таслим этди. Луизани иситиш учун уни уйдаги бор гиламу кўрпалар билан ўраб кўйишга тўгри келди. Том Луизага катта бисот ва бир киз колдириб кетди. Луиза тасалли топмайдиган бир ахволга тушиб колди. Хаста юраги билан бу кулфатни кўтара олганига акл бовар килмасди. Бечора Том Метлендни тупрокка кўйишда Луизанинг дўстлари унга далда бўлдилар. Улар онасидан хам ажралиб етим бўлиб колиши мумкин бўлган Луизанинг кизи Ирисга чиндан кайгурга бошлаган эдилар. Шу боис, Луизанинг теварагида гирдикапалак бўлишарди. Дўстлари Луизанинг кўлини совук сувга урдирмади, уни турли ташвишлардан холи килиш учун хар кандай нарсага тайёр эканликларини билдиришди. Дарҳакикат, уларга иш хам топилди, чунки Луиза бирор оғиррок ёки ёкмайдиган юмуш килмокчи бўлса, юраги саншиб, бир ўлиб-бир тириларди. “Агар бирор менга кўз-кулок бўлиб турмаса, ўлишим аник” дерди Луиза. Шу ахволида кизалоги Ирисни кандай катта килишига акли етмасди. “Нега яна эрга тегмайсиз?”, деб сўрашарди дўстлари. “Ох, бу юрагим билан эрга тегиш хакида ўйлашга хам ботинолмайман”, дерди Луиза.

Лекин Томнинг ўлимидан ке-йин бир йил ўтгач, Луиза кўлини сўраган Жорж Хобхаузга розилик берди. Жорж келишган ва анчагина бадавлат одам эди. Бу нимжон аёлни панохига олишига розилик беришганида, Жорждан баҳтиёр одамни кўрмадим.

“Мен сизни кўп кийнамайман”, дерди Луиза. Жорж шухратпаст харбийлардан эди.

Лекин ишини ташлаб кўйди. Луизанинг соглиги ёмонлашиб кишни Монте Карло, ёзни эса Дювилда ўтказишга мажбур бўлди. Жорж уч-тўрт кунлик умри колган хотинини кўлидан келгунча хурсанд килишга ахд этди.

“Хаётим тугаб бораяпти”, дерди Луиза: “Тинчгина ўлишга харакат киламан”.

Кейинги икки-уч йил мобайнида Луиза хаста юрак билан чиройли кийиниб, энг кизгин базм-ларга боришни, дўржи-дўржи пул тикиб кимор ўйнашни, баланд бўйли, чиройли йигитлар билан ракс тушишни ва хатто уларга ноз-карашма килишни хам эплади.

Луизанинг биринчи эридаги матонат Жорж Хобхаузда йўқ эди ва у Луизанинг иккинчи эри сифатида зиммасидаги ташвишлардан зерикиб, ора-сира ичиб юришга мажбур бўлди. Албатта, Жорж арокка муккасидан кетганида бу килик Луизага ёкмасди. Аммо (Луизанинг баҳтига) уруш бошланди. Жорж захирадан ўз полкига кайтиб, уч ойдан кейин халок бўлди. Бу зарба Луизани эсанкиратиб кўйди. Лекин шундай мусибатдан кейин хам у гам-гуссага йўл бермаслиги лозимлигини хис киларди. Агар ўша пайтда юраги хуруж этганда хеч ким бу хакда хабар топмаган бўларди. Ўзини чалгитиш учун Луиза Монте Карлодаги вилласини оёкка тураётган оғитсерларга мўлжалланган шифохонага айлантириди. Дўстлари унга бу ташвиш оғирлик килишини айтишди.

“Бу иш мени ўлдириши аник”, деди у: “Биламан. Лекин бунинг нима ахамияти бор?

Бош-каларга ёрдам беришим керак”.

Луиза ўлмади. Кайтага аввалгидан хам яшнаб кетди. Унинг шифохонасига тенг келадиган касалхона бутун Франтсияда йўқ эди. Уни тасодифан Парижда учратиб колдим. Ресторанда новча ва жуда келишган ёш франтсуз билан тушлик килаётган экан.

“Бу ерда шифохонага алоказдор ишлар бўйича юрибман”, деб тушунтириди у. Луиза касалхонадаги оғитсерлар унга маҳлиё эканлиги хакида гапирди. Улар Луизанинг касали оғирлигини тушунишаркан ва унга хеч кандай юмуш колдиришмаскан. Гўё улар

Луизага эридек гамхўрлик килишаркан. Луиза хўрсинди.

“Бечора Жорж, шу юрагим билан ундан кўп яшашимни ким хам ўйлабди дейсиз?”

“Ех, бечора Том,” дедим мен.

Нега бу гапим унга ёкмаганини тушунмайман. У менга синиккина жилмайди, кўзлари ёшга тўлди.

“Доим ўлимимни кутаётгандек гапирасиз...”

“Айтмокчи, юрагингиз анча согайиб колибди, деб эшиитдим?”

“Юрагим хеч качон согаймайди. Бугун эрталаб шифокор кўригига бордим. Ўлишга тайёр бўлиб туришимни маслаҳат берди”.

“Йўг-е, бунга йигирма йилдан бери тайёрланасиз-у?”

Уруш тугагандан кейин Луиза Лондонга кўчиб ўтди. Энди ёши кирқдан ошиб колган, аввалгидек озгин ва нимжон, кўзлари катта-катта, юзлари рангпар аёл бўлса хам, йигирма бешдан ошмагандек кўринарди. Мактабни тугатиб, бўйга етиб колган Ирис эса у билан бирга яшай бошлаганди.

“У менга карайди”, дерди Луиза: “Турган гап, мендек кари ногирон билан яшаш унга кийин бўлади. Лекин бу бир-икки кун давом этадиган нарса. Ириснинг йўқ демаслиги аник”.

Ирис жуда яхши киз эди. Уни, онасининг соглиги ёмонлигини мунтазам уктириб, вояга етказишганди. Бола бўлиб у бирор марта хам тўполон килмаган эди. Онасины ёлгиз колдириш мумкин эмаслигини доим ёдида сакларди. Мана энди Луиза кизига:

“Хамманинг жонига теккан кекса аёл учун ўзингни багишлишингга чидай олмайман”, деб канча гапирмасин, у бу гапларга кулок солмади.

Луиза “ух” тортиб, кизига фарзандлик бурчини адо этишга рухсат берди.

“Боламга менга гамхўрлик килиш ёкади”, деди у.

“Дўстлари билан бирга юргани яхшимасмиди?”, деб сўрадим.

“Э, буни унга доим айтаман. Дўстларинг билан ўйнаб-кулиб юр, деб хеч кўндиrolмадим.

Тепада худо бор, бирорнинг мени деб хузур-халоватини йўкотишини хеч качон хоҳламаганман”.

Мен бу гапларни Ирисга айт-ганимда, у шундай деди: “Бечора оижоним, менинг дўстларим билан бирга бўлишимни, ўтиришларга боришимни хоҳлайди, энди бирор жойга бораман деб турганимда юраклари санчиб колади, шунинг учун уйда колганим яхши”.

Лекин кўп ўтмай Ирис бир йигитга кўнгил кўйди. Ёш дўстим, бамаъни бир йигит унинг кўлини сўради ва киз рози бўлди. Ирисни жуда яхши кўрардим. Нихоят ўзи учун хам яшаркан-да, деб кувондим. Лекин бир куни ўша йигит тушкун бир ахволда олдимга келиб, тўй колдирилганини айт-ди. Ирис онасини ташлаб кетолмаскан. Бу менинг ишим бўлмаса хам, баҳона топиб, Луизаникига бордим. Чой ичиб ўтирган пайтида дўстлари келиб колса, у доим хурсанд бўларди.

“Ирис эрга тегмаскан, деб эшиитдим?”, дедим муддаога ўтиб.

“Билмайман. Мен хоҳлаганим билан у эрга тегмайди... Мени ўйламай эрга тегавер, деб тиз чўкиб илтимос килсан хам, “Сизни ташлаб кетолмайман”, деяпти”.

“Кизингизга жабр килмаяпсизми?”

“Балки. Лекин бу бир-икки ой давом этади. Бунинг устига мен “Ўз хаётидан воз кечиб, менга карасин”, деяётганим йўк-ку”.

“Азизим Луиза. Бир-икки ой деб, иккита эрингизни кўмдингиз. Тўгри, нимага энди яна уч-тўрттасини нариги дунёга жўнатмаслигингиз керак!”

“Биламан! Мен хакимда нима деб ўйлаб юрганингизни. Юрагимнинг касал эканига хеч

качон ишонмагансиз, шундайми?”

Луизанинг кўзига тик карадим.

“Тўппа-тўгри. Сиз йигирма беш йил хаммани лакиллатдингиз. Сиз дунёдаги энг худбин, энг кабих аёлсиз. Анови иккита бадбахт эркакнинг умрига зомин бўлдингиз. Энди бўлса кизингизни хам шу кўйга солмокчисиз”.

Агар ўша пайт Луизанинг юраги тўхтаб колганда хайрон бўлмасдим. Унинг куюшкондан чикиб кетишини кутгандим. У эса менга караб мулоим жилмайди.

“Бечора дўстим, якин кунларда бу гапларни менга айтганингиздан шундай афсусланасизки...”

“Енди Ирис ўша болага эрга тегмайдими?”

“Ерга тег”, деб кизимдан илтимос килдим. Мени ташлаб кетса, ўлишимни биламан.

Майли. Барибир, хамма мени ёмон кўради. Одамларга ортичча юкман...”

“Ташлаб кетсанг — ўламан”, деб унга айтдингизми?”

“У мени шунга мажбур килди”.

“Ўзингиз бирор иш килишни хоҳламасангиз, хеч ким сизни мажбуrlай олмайди”.

“Хоҳласа, ўша йигитга эртагаёк эрга чиксин. Шу нарса мени ўлдирса, ўлдира колсин”.

“Келинг, бир таваккал килиб кўрайлик, майлими?”

“Менга озгина бўлсаям раҳмингиз келмаяптими?”

“Шунака томошалар кўрсатгансизки, сизга раҳмим келиши кийин”, дедим мен.

Луизанинг оппок юзларига ранг югорди. Луиза кулди, лекин кўзлари газаб билан катъий бокарди.

“Ириснинг тўйи шу ойда бўлади”, деди у: “Агар менга бирор нарса бўлса сиз хам, Ирис хам ўзингизни кечира олмассиз, деб умид киламан”.

Луиза сўзида турди. Тўй вакти белгиланди. Катта сеп буюрилди ва таклифномалар

таркатилди. Ирис ва йигит жуда хурсанд бўлишди. Тўй куни эрталаб соат ўнда,

Луизанинг, ўша ёвуз аёлнинг юраги яна бир марта каттик хуруж килди ва у ўлди. Луиза ўзини ўлдирган кизи Ирисни кечириб, астагина жон берди.

Алишер Отабоев таржимаси